

1991 1992 1993 1994 1995



Ватанимиз пойтахти — Москвада бўлаётган «Яхши ният ўғиллари» халқаро мусобақаси иштирокчиларининг бўш вақти мазмунли ва қизиқарли ўтиши учун ранг-баранг маданий программалар тўзилган. Бунда Оржоникидзе (Тожикистон ССР) ҳаваскорлик артистлари ҳам қатнашишмоқда. Уларнинг сафида танқили «Дилшо» қўшиқ ва рақс ансамбли ҳам бор. Бу ансамбль ақинда Болгария Халқ Республикасида тожик миллий санъатини муваффақият билан намойиш этган. СУРАТДА: «Дилшо» ансамблининг қўшиқчи. Ю. Машков фотоси. ТАСС фотохроникаси.



Мана, бир неча кундирки, Ватанимиз пойтахтидаги муҳташам ва янги спорт қўшони мўжизалар билан гавжув. Зеро, шундай, мамлакатимизнинг бош спорт ареналарида тарихда илк бор ер курашдаги спортчиларнинг яхши ният ўғиллари ўтказилмоқда. Бу нуфузли мусобақада фақат спорт натижаларигагина биригина ўринга қўйилган эмас. Энг асосийси — ер юзидида тинчликни мустаҳкамлаш, турли мамлакат йигит-қизлари ўртасидаги муштарак қардошлиқ пайдоқилиши қўйилди.

Қувонч билан таъкидлаш жоизки, Яхши ният ўғилларида республикамиз вакиллари мамлакатимиз спортчиларининг муваффақиятларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар сафида айниқса ака-ука баҳодирлар — Аслан ва Маҳарбек Хадарцевлар яна муҳим ҳисса, муҳлислар олдига қўйишга сазовор бўлишди.

Маълумки, бу баҳодирларимиз Яхши ният ўғилларида қадар кўлаб мусобақаларда зафар қўнган. Шунинг учун ҳам уларнинг республикамиз, мамлакатимиздан ташқарида ҳам яхши билишди. Рақибининг усулларини яхши ўрганиб олиш, шунга кўра машғулотларда қарин ҳужум «операциялар»ни тўғри алоҳида этибор берилган ака-укалар ҳаминша ҳамфайрлар. Амалда бошқача бўлиши ҳам мумкин-ку? Айтайлик, рақиб қўлимизга усул қўла-қўла қўйди. Бундай пайтларда уларга хос бўлган дадиллик, эчкилик, ғалабага бўлган мустаҳкам прода яққол намоён бўлади. Бу эса ўз-ўзидан бесамара тугамайди, албатта. Шунинг учун ҳам Аслан иккинчи бор жаҳон чемпионатида зафар қўнган, Маҳарбек эса Жаҳон Кубогини қўлга киритган.

Баҳодирлар шунинг май ойида ўтказилган СССР чемпионатида ҳам ўзларининг маҳоратларини намоён этиб, кўпчилигини ҳайратга солишгани муҳлисларга аён. — Финал беллашувида

фақат ғалаба қозониш истаси билан ғалабага чиқмади, — деган эди иккинчи раунд жаҳон чемпиони Аслан мамлакат чемпионати арасида биз билан бўлган суҳбатда. — Бу меннинг асосий шiori!...

Дарҳақиқат, Аслан ўз ваздасини ўринлатиб келди. 1986 йилги СССР чемпионати ҳам бунинг яна бир бор ёқин далили бўлди. Айниқса, унинг тбилислик Г. Габодзе билан беллашуви эркин кураш муҳлисларида яхши таассурот қолдирди. Асланинг шиддаткор ҳужумларига рақиб қарши тура олмади. Учинчи минутдаёқ ҳисоб — 13:0. Асланинг фойдасига ҳал бўлди. Натижада ҳакамлар учрашуви муддатидан ялғир тўхтатишди. Асланинг қўсини яна бир бор олтин медаль беади.

Уқаси Маҳарбек ҳам ака-укалар билан яхши саралаш учрашувида рақибларига ҳеч қандай имконият бермади. Шунинг диққатига сазоворки, Жаҳон Кубогини соҳиб Маҳарбек донецлик А. Сандлер билан бўлган

финал беллашувини акаси каби тезкорлик билан ўтказди. Бунда ҳам ҳакамлар учрашувини (13:0) давом эттирмасликни лозим тоғишди. Ҳа, Шимолӣ Осетиянинг пойтахтида ўтган мамлакат чемпионатида ака-ука баҳодирлар ғолиблик шохсувасининг юқори поғонасига кўтарилди, кўксиларига олтин медаль тақинишганда томошабинлар уларни бетиним қарсақлар билан олқинишди. Бу бежиз эмасди. Зеро, улар ўзларининг юксак маҳоратлари ва шиддаткор курашлари билан муҳлислар қалбини забт этгандилар.

Республикамизга Ватанимиз пойтахтидан — Яхши ният ўғилларидан тез-тез хушхабарлар келиб турибди. Навбатдаги хабар ака-ука Хадарцев, Арсен Фадзаевларнинг команда ҳисобида ғолиблик шохсувасига кўтарилгани ҳақида бўлди. Маълумки, Яхши ният ўғиллари программасиди

эркин курашчилар мусобақаси иккинчи гуруҳда саралаш ўйинлари билан бошланди. Сафида ака-ука Хадарцев ва Арсен Фадзаев бўлган СССР терма командаси ўз гуруҳида ғолиблик қилди. Ҳал қилувчи финал баҳсида полонларимиз иккинчи гуруҳга ғолиб — Болгария курашчилари билан учрашдилар. Бунда ҳам вакилларимиз ўсту келдилар ва умумий ҳисобда ғалаба қозонишди. Бу ютуққа ака-ука Хадарцев ва Арсен Фадзаевлар муносиб улғуш қўшдилар.

◆◆◆
Куни-кеча полонлар ўртасида шахсий биринчиликларда ҳал қилувчи беллашувлар бўлиб ўтди. Бунда ҳам Аслан ва Маҳарбек Хадарцев ҳамда Арсен Фадзаевлар яна бир бор ғалаба баҳраманда бўлишди.

Ф. ИСАЕВ.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

КИНО

16 ИЮЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ҚАШҚИРЛАР УЧУН ҚОҲҚОН» — Санъат саройи (17, 19, 20.00; телефон 44-21-44, 44-21-34). Қозонгон (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92); М. Шайхонда номли (18, 21.00), Чайна (тоқ соатларда, телефон 77-06-20).

«ГАРОЙИБ МУЎЖИЗА» — Санъат саройи (кинги зал, жуфт соатларда, сўнгги сеанс 19.40 да), Восток (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), Тошкент Советининг 50 йиллиги (жуфт соатларда).

«РАҚС МАЙДОНЧАСИ» — Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), Москва (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да, телефон 35-05-01), Лисунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ЮБИЛЕЙ КУТИБ ТУРАДИ» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда), Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (тоқ соатларда).

«ТУРТИНЧИСИ КИМ?» — Искра (18.20.00; телефон 39-14-59), К. Ерматов номли (тоқ соатларда), Ватан (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да).

«ЯККА СУЗИШ» — Дружба (жуфт ва тоқ соатларда), «ХАР БИР ОВЧИ БИЛИШНИ ИСТАЙДИ» — Тинчлик (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да).

17 ИЮЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ҚАШҚИРЛАР УЧУН ҚОҲҚОН» — Санъат саройи (11, 13, 15, 17, 19, 20.00; телефон 44-21-44, 44-21-34), Чайна (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), Ватан (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да).

«ГАРОЙИБ МУЎЖИЗА» — Қозонгон (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92), Санъат саройи (кинги зал, жуфт соатларда, сўнгги сеанс 19.40 да), Восток (жуфт соатларда).

«РАҚС МАЙДОНЧАСИ» — Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), Тинчлик (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да).

«ЮБИЛЕЙ КУТИБ ТУРАДИ» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда), Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (тоқ соатларда).

«ТУРТИНЧИСИ КИМ?» — Искра (12.20, 14, 16, 18, 20.00; телефон 39-14-59), К. Ерматов номли (тоқ соатларда).

«ЯККА СУЗИШ» — Дружба (жуфт ва тоқ соатларда).

«СОҶИ» — М. Шайхонда номли (11, 13.30, 15, 18, 21.00).

«ВЕГОНАЛАР БУ ЕРДА БУЛМАЙДИ» — Лисунов номли (тоқ соатларда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Қўш сонли томошабинларнинг илтимосига бйнован
Хинд Йоти иштирокдаги
ЛАОС ЦИРКИ
ГАСТРОЛЛАРИ
20 ИЮЛДА
ДАВОМ ЭТАДИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари соат 16, 19.00 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан очилди.
Коллектив таянчалар қабул қилинмоқда.
Справалар олиш учун телефон — 44-35-91.

Ўзбекистон ССР Театр жамиятининг ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ

хотин-қизлар, эркаклар ва болаларнинг янги моделдаги замонавий миллий рақс костюмларини ишлаб чиқиш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Моделларнинг эскизлари 10 августга қабул қилинади.

Конкурс ғолибларига қўйилган мукофотлар таъсис этилган:

биринчи мукофот — 150 сўм; иккинчи мукофот — 100 сўм.

Мурожаат учун адрес: 700027, Тошкент шаҳри, 27-алоқа бўлими, Ўзғариш кўчаси, Кириш проеци, 34-уй (метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси).

В. И. ЛЕНИН
НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ОЛИЙ УМУМҚУШНИ
КОМАНДИРЛИК
БИЛИМ ЮРТИ
сиёсий иқтисод бўйича доцент вақант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс мuddати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: 700023, Тошкент шаҳри, 23-алоқа бўлими.

«Шарқ юлдузи» журнали редакцияси коллектив журналнинг собиқ ходими, уруш ва меҳнат ветерани

Ахбор БИЛОБНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзolari парча чўқур таъзия билдиради.

реклама эълонлар реклама

Ўқишга марҳамат!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲАР ХУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ШАҲАР БОШҚАРМАСИННИНГ
47-УРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1986—1987 ўқув йили учун
қўйидаги ихтисосликлар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

Приборлар ва радиоаппаратуралар монтажчиси, приборлар ва радио аппаратураларни йиғувчи-слесарь, слесарь-асбобсоз, кенг профили станокчи, фрезерчи, пармаловчи, печат плиталарни тайёрловчи, гальваник.

Ўқишга 15 ва ўндан катта ешдаги 8—10 синф ҳажмида маълумотли йигит-қизлар қабул қилинади.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар 3 йил, ўрта маълумотлилар учун эса 1 йил.

Кирувчилар қўйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: билим юрти директори номига ёзилган ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, 286 формадаги медицина справкиси, таржима ҳоли, характеристика, турар жойдан справка, 3х4 см катталидаги 6 донa фотосурат, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар ёғи, қишқи ва иш кийимлари билан таъминланадилар. Шунингдек, кунига уч маҳал овқат берилади.

Билим юртини битирганларга ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган касби тўғрисида аттестат берилади.

Ўрта маълумот билан ўқишга кирганларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия тўланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларнинг ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 проценти тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртиларига йўлланма билан ўқишга юбориладилар.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНДИ.

АРИЗА ВА ҲУЖАТЛАР ЯҚИНАБДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Сергели — 2, 64 «а» — уй (40, 58, 75, 99-автobусларнинг «Сергели — 2» бекати). Телефон 58-02-69.

С. И. КАДИШЕВ НОМИДАГИ 33-ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ УРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1986—87 ўқув йили учун
қўйидаги ихтисосликлар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

УЧИШ АППАРАТЛАРИНИНГ СЛЕСАРЬ-ЙИГУВЧИСИ, КЕНГ ПРОФИЛДАГИ СТАНОКЧИ, (токарь, фрезерчи, чархловчи), УЧИШ АППАРАТЛАРИНИНГ АСБОВ-УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТР МОНТАЖЧИ, АГРЕГАТЛАР, МАХСУС СТАНОКЛАР ВА МАНИПУЛЯТОРЛАР СОЗЛОВЧИСИ, ЭЛЕКТР ГАЗ ПАЙВАНДЧИСИ, ПАЙВАНДЛАШ ИШЛАРИ КОНТРОЛЕРИ, АВТОМАТ ЛИНИЙЛАРДА ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, СОНЛИ ПРОГРАММА БЎЙИЧА ВОШҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРИ.

Ўқишга 8—10 синф маълумотидаги, Тошкент шаҳри ёки Тошкент областида яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинадилар. Ўрта маълумотли ўқувчилар учун ўқиш мuddати — 8 ой. Билим юртини тугатган уларга тегишли насб бўйича малака оширганлик ҳақида диплом берилади. Ўқувчилар ўқиш даврида 65 сўм стипендия оладилар.

8-синф маълумотидаги ўқувчилар учун ўқиш мuddати — 3 йил. Билим юртини битирган, уларга ўрта маълумот ва тегишли касб бўйича малака оширганлик ҳақидаги диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, ишлаб чиқариш практикаси вақтида ишлаб топилган маошининг 50 проценти билан таъминланадилар.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Машғулотлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Билим юртини битириб чиққанлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юбориладилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртиларига йўлланма билан қабул қилинадилар.

Билим юрти спорт базасига эга. Волейбол, футбол, сузиш, бокс, эркин кураш ва бошқа спорт секциялари ишлайди.

Лаёқатга қараб авиамоделчилик, бадий сўз, вокал-чолгу ансамбли, миллий музика асбоблари ансамбли, духовий оркестр, аэробика тўғрақларида қатнашиш мумкин.

Билим юртига кириш учун қўйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: директор номига ариза, 8-синфини битирганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкиси (286-форма), 6 та фотосурат (3х4 ва 4х5 см).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНДИ.

Билимнинг адрес: Тошкент шаҳри, 700207, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (30, 8, 171-автobуслар; 6, 29-трамвайларнинг «Билим юрти» бекати).

72, 48, 49, 80-автobуслар; 3, 23-трамвайларнинг «Лисунов номли кинотсатр» бекати. Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

42-ШАҲАР УРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1986—1987 ўқув йили учун

Ўқувчилар қабул қилади

БИЛИМ ЮРТИ ҚЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЕРЛАЙДИ: универсал токарь (токарь-каруселчи), сонли программа билан бошқариладиган станоклар оператори, саноат ускуналарини тугатиш бўйича слесарь, электр пайвандчи, механика-йиғув ишлари слесари, фрезерчи, электромонтажчи, қолтинчи слесарь-асбобсоз, штамповкачи, электрон-ҳисоблаш машинаси оператори.

Ўқиш мuddати 6 ой.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини «4» ва «5» баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртиларига кириб ўқишда имтиёзларга эга бўладилар.

Ўқувчиларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия тўланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 проценти берилади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юрти қўшида спорт секциялари, вокал-чолгу ансамбли ва халқ чолгу ансамбли тўғрақлари ишлайди.

Машғулотлар группалар комплексланганда кейин бошланади.

Кирувчилар аризада қўйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: турар жойдан справка, соғлиги тўғрисида справка, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 6 донa 3х4 см. ҳажмидаги фотосурат, таржима ҳоли.

Бошқа шаҳардан билим юртига ўқишга келувчилар турар жойларидан пропискадан ўчишлари, комсомол учётдан ўчишлари ҳамда ўзлари билан шахсий учёт карточкаси, ВЛКСМ аъзосининг учёт карточкаси ҳамда комсомол билетини олиб келишлари лозим.

Пропискадан ўчиб келган ўқувчилар ётоқхонага прописка қилинадилар. Ҳужжатлар ҳар кун соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 28, 29 трамвайлар, 8, 9, 44, 24, 60, 72, 152, 156, 165-автobусларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефон 34-57-13.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ВА ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ

17-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1986—1987 ўқув йили учун

қўйидаги ихтисосликлар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

программа билан бошқариладиган станокларда ишловчи токарь, учини аппаратларини йиғувчи слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, дипломла газ-электр пайвандчи, ОТК контролери, электр ускуналарига хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича электромонтер, электр қўприқли кран машинисти.

15 ЎШЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Ўқиш мuddати — 3 йил.

Металл бўйича токарь-универсал, механика-йиғув ишлари слесари, электр қўприқли кран машинисти, электр пайвандчи, ОТК контролери (бу касба кўпроқ қизлар қабул қилинади).

17 ЎШЛИ УРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Ўқиш мuddати — 1 йил.

МАШИНАДА ҚОЛИПЛОВЧИ. Ўқиш мuddати — 10 ой. Ҳар ойда 100 сўмдан стипендия тўланади.

Билим юртига 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар кунига 3 маҳал иссиқ овқат, дам олиш ва иш кийими, ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 проценти билан таъминланадилар.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига ўрта маълумот билан кирганлар ҳар ойда 65 сўмдан стипендия оладилар ва уларга ишлаб чиқариш практикаси даврида тошган меҳнат ҳақларининг 50 проценти берилади.

Билим юртида техника ижодкорлиги, радиоҳаваскорлар тўғраги, фототўғарак, бадий ҳаваскорлик тўғраги, ўзбек халқ чолгу асбоблари ансамбли ҳамда вокал-чолгу ансамбли ишлайди.

Билим юртида 10 спорт секцияси мавжуд. Ўқувчилар ёғи каникулда «Чимён» лагерига ва Ватанимиздаги қаҳрамон-шаҳарларга туристик саёҳатларга чиқадилар.

Билим юртини битирганлар олий ўқув юртилари ва техникумларга кириб ўқишда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Кирувчилар қўйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржима ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойдан справка, 286-формадаги медицина справкиси, 3х4 см. ҳажмидаги 6 донa фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Содиқов кўчаси, 15-уй (4, 5-троллейбусларнинг «Экскаватор заводи», 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Сарт» стадиони бекатлари). Телефон 35-61-30.

«0—65» телефони шарофати

Агарда СИЗ «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ УС-ТАЛАРИНИ УЙГА ТАКЛИФ ЭТИШ НИЯТИДА БУЛ-САНГИЗ БУНИНГ УЧУН «0-65» ТЕЛЕФОНИ РА-ҚАМЛАРИНИ ТЕРИШ КИФОЙ.